Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 7 июль, № 133 (6827) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

АҲОЛИ СОҒЛИҒИНИ ИШОНЧЛИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИ ОШИРИШ ДАВЛАТИМИЗНИНГ ДОИМИЙ ЭЪТИБОР МАРКАЗИДА БЎЛАДИ

6 июль куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда ҳукумат аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, олий тиббиёт ўқув юртлари ректорлари, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари директорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Жамиятнинг бебаҳо бойлиги бўлган инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, юртимизда тиббий хизмат сифатини ошириш билан боғлиқ масалалар ҳамиша давлатимиз раҳбарининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев вилоятларга сафарлари пайтида ижтимоий аҳамиятга молик турли объектлар қатори қишлоқ врачлик пунктлари, кўп тармоқли клиникаларда бўлиб, шифокорлар ва беморлар билан бевосита мулоқот қилиб келаётгани бу борада кўплаб масалаларни жойларда самарали ҳал этиш имконини бермоқда.

Маълумки, шу йил 5 январь ва 7 февраль кунлари тиббиёт масалалари юзасидан бўлиб ўтган мажлисларда мазкур тизим фаолиятини тубдан такомиллаштириш, юртдошларимизда ҳақли эътироз уйғотаётган долзарб муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилган, шу борада амалга оширилаётган дастурлар ижроси атрофлича кўриб чиқилган эди. Ярим йил давомида шу мавзуда учинчи бор мажлис ўтказилаётгани, албатта, бежиз эмас.

Нега деганда, йиғилишда Президентимиз ўринли таъкидлаганидек, соғлиқни сақлаш масаласи ҳар бир одамнинг кундалик ҳаётига тўғридан-тўғри дахлдор бўлиб, бу борадаги муаммолар аҳолининг саломатлигига, охир-оқибатда жамиятимизнинг ижтимоий кайфиятига, халқнинг давлатга, ҳукуматга бўлган ишончига, ҳеч шубҳасиз, энг кучли таъсир кўрсатадиган соҳадир.

Шунинг учун ҳам мана шу ўта муҳим, ҳал қилувчи масалани ечмасдан туриб, бошқа соҳа ва тармоқларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти ҳақида гапириш умуман мумкин эмас.

Йиғилишда тиббиёт соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида кейинги пайтда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар эътироф этилди.

Бу ҳақда сўз юритганда, аввало, бирламчи тиббий-санитария ёрдамини такомиллаштиришга оид қарор ижроси доирасида 793 қишлоқ врачлик пункти негизида қишлоқ оилавий поликлиникалари, 441 тез тиббий ёрдам шохобчаси ташкил этилгани, фаолияти тугатилаётган 658 қишлоқ врачлик пункти бинолари хизмат уйи сифатида фойдаланиш учун шифокорларга берилганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, жорий йилнинг ўзида жойларга етказиб берилиши керак бўлган 1 минг 200 "Тез ёрдам" машинасидан 1 июлгача жами 646 дона автотранспорт, жумладан, Тошкент шаҳри бўйича 126 дона "Дамас" етказиб берилгани муҳим амалий қадам ҳисобланади.

Айни пайтда соғлиқни сақлаш соҳасида бир қатор камчиликлар ҳам кўзга ташланаётгани мажлисда танқидий таҳлил асосида кўрсатиб берилди. Хусусан, патронаж ишлари талаб даражасида эмаслигига урғу берилди. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасига патронаж хизматининг мазмун-моҳияти ва асосий вазифалари аниқ белгилаб қўйиладиган алоҳида Низом тайёрлаш вазифаси топширилди.

"Биз энди тиббиёт муассасаси, жумладан, патронаж хизматининг фаолиятига соҳа амалдорлари эмас, балки оддий одамлар, аҳолининг бевосита ўзи холис баҳо берадиган тизим яратишимиз керак", деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда яна бир долзарб муаммо — минтақа ва ҳудудларда шифокор кадрлар етишмовчилиги билан боғлиқ масала ҳам муҳокама қилиниб, вазиятни ижобий томонга ўзгартириш мақсадида тиббиёт ходимлари учун зарур шароитлар яратиш, жумладан, уларни имтиёзли ипотека кредитлари асосида арзон уй-жойлар, истеъмол кредитлари билан таъминлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш ҳақида кўрсатма берилди.

Йиғилишда яна бир устувор йўналиш — республикамизда соғлиқни сақлаш тизимининг хусусий секторини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати атрофлича муҳокама қилинди. Бу борада давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 апрелда қабул қилинган қарорига биноан хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятига чекловлар бекор қилиниб, қатор имтиёзлар берилгани, улар учун барча турдаги юқори технологик операцияларни амалга оширишга рухсат этилгани таъкидланди. Лекин яратиб берилган катта имкониятларга қарамасдан, бу борада сусткашликка йўл қўйилаётгани танқидий нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилинди. Бу масалада, айниқса, Сирдарё, Жиззах, Навоий, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида жиддий камчиликлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Маҳаллий ҳокимликлар хусусий тиббиёт соҳасига сармоя жалб қилиш масаласига, янги муассаса ташкил этмоқчи бўлган тадбиркорларга етарли даражада эътибор бермаётгани билан боғлиқ камчиликлар танқид қилиниб, соғлиқни сақлаш тизимида хусусий секторни ривожлантириш юзасидан тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилди. Жумладан, шу борада "Асака" банки қошида Нодавлат тиббиёт муассасаларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб топилди ва давлатимиз раҳбарининг кўрсатмасига биноан қўшимча молиявий манбалар ҳисобидан ушбу жамғармага 14 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди.

Йиғилишда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш, айниқса, хусусий тиббиёт тармоғини кенгайтириш бўйича ишларнинг аҳволи учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари шахсан масъул экани ва ҳар чоракда Президентга ҳисобот бериши алоҳида таъкидланди.

Айни вақтда хорижий мамлакатлардан юқори малакали шифокор мутахассисларни юртимизга таклиф этиб, уларнинг билим ва салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар кўриш зарурлиги ҳақида топшириқлар берилди.

Йиғилишда олиб борилаётган доимий мониторинг ишлари дори-дармон таъминоти ва нархи масаласида ҳам ҳанузгача жиддий муаммолар борлигини кўрсатаётгани аниқ мисоллар асосида қайд этилди. Мутасадди ташкилотларга нархлари чекланган дори воситалари ишлаб чиқариш, уларнинг дорихоналарда доимо мавжуд бўлиши ва рецепт асосида берилишини таъминлаш каби тадбирлар механизмини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда тегишли вазирлик ва идоралар, компаниялар ҳамда хўжалик бирлашмаларининг раҳбарлари, бир қатор вилоят ва туманлар ҳокимларининг ахборотлари тингланди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 июль куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари суҳбат аввалида Қозоғистон Президентини туғилган куни билан самимий муборакбод этди.

Ўзбекистонда Президент Нурсултон Назарбоевни жаҳон миқёсидаги буюк давлат арбоби ва улкан сиёсатчи, мамлакатимизнинг яқин дўсти ва ишончли ҳамкори сифатида яхши билиши таъкидланди.

Бугун давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида амалга оширилган ва амалга оширилаётган кенг кўламли дастур ва лойиҳалар, рақобатбардош иқтисодиёт, саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларининг диверсификация ва модернизация қилиш асосида барқарор ривожланаётгани, инфратузилманинг такомиллаштирилаётгани Қозоғистон раҳбарияти томонидан узоқни кўзлаб юритилаётган сиёсатнинг самарадорлигидан далолат беради.

Қозоғистоннинг халқаро нуфузи муттасил ортиб бормоқда. Июнь ойида ушбу мамлакатда натижаларига кўра тарихий аҳамиятга эга Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити бўлиб ўтди. 6 июль санаси Пойтахт куни сифатида нишонланадиган, ривожланиб бораётган замонавий Остонада «ЭКСПО — 2017» халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси юксак даражада ўтмоқда.

Суҳбат чоғида давлат раҳбарлари жорий йилда олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга оширишнинг муҳим жиҳатларини муҳокама этдилар.

Барча соҳаларда ўзаро ҳамкорлик фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми кўпайди, Тошкент, Остона ва Олмаота шаҳарлари ўртасида поезд қатновви йўлга қўйилди, пойтахтларимиз ўртасида авиақатнов кўпайди, автобус қатновини қайта тиклаш масаласи кўриб чиқилмоқда. Мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасида ўзаро шериклик муносабатлари йўлга қўйилиб, изчил ривожланмоқда.

Томонлар ўзларини қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Мулоқот сўнгида Ўзбекистон Президенти Қозоғистон раҳбарини яна бир бор самимий табриклаб, мустаҳкам саломатлик, бахт-саодат ва янги муваффақиятлар, қардош Қозоғистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилади.

Суҳбат анъанавий самимийлик ва дўстона рухда ўтди.

ЎзА.

МУНОСАБАТ

Юртимиз ёшларининг бахти кулган, истиқболи порлоқ. Уларнинг замонавий билимларни эгаллаши, ўзлари қизиққан соҳада меҳнат қилиши, истеъдодларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланган.

«Темурбеклар мактаби»

ёшларимизни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади

Бундан қувонмай, фахрланмай, бугунги йигит-қизларга ҳавас қилмай бўладими?! Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кеча матбуотда эълон қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони бу йўналишдаги ишларни тубдан ўзгартиришга қаратилганлиги билан юксак аҳамият касб этади. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи нафақат эртамиз эгалари, шу билан бирга, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини руҳлантиргани, тўлқинлантиргани бежиз эмас. Бу нутқ замирида ёшларга нисбатан улкан меҳр мужассам, десак, асло муболаға бўлмайди.

Фармонга мувофиқ, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, навқирон авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил қилинди. Мазкур иттифоқ ташкил топган кун — 30 июнь сана эса мамлакатимизда "Ёшлар куни" сифатида нишонланади. Бинобарин, Ўзбекистон ёшлар иттифоқига 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислоҳотларда йигит-қизларимиз фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар қўйилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, "Ёшлар — келажак бунёдкори" шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айлангани ҳам ҳар бир йигит-қизга улкан масъулият юклайди. Қолаверса, буюк давлат арбоби соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари эртамиз эгалари учун ўрнак бўлиб хизмат қилишини инобатга олиб, республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига "Темурбеклар мактаби" номи берилиши шу азиз ва жонажон Ватанимизнинг ҳар бир фуқаросига ифтихор бахш этади.

(Давоми 3-бетда).

АВТОМОБИЛЬ САНОАТИ РИВОЖИДА МУҲИМ ВОҚЕА

Кеча "Жиззах" эркин иқтисодий зонасида "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси "Peugeot Citroen Avtomotive" гуруҳи билан ўзаро ҳамкорликда йўловчи ва юк ташиш автомобилларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган завод қурилишига киришилди.



Мазкур корхона Президентимизнинг 2017 йил 13 июндаги "Хорижий инвестициялар иштирокидаги "Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive" корхонасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "Ўзавтосаноат" АК ва "Peugeot Citroen Automotive" гуруҳи ўртасидаги келишув асосида бунёд этилмоқда.

Шу муносабат билан ташкил қилинган тадбирда "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси, "Peugeot Citroen

ҚАРОР ВА ИЖРО

Avtomotive" гуруҳи ходимлари, Франциянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси, Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди. Унда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган имкониятлар ва қулай ишбилармонлик муҳити юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

«Бир макон, бир йўл»:

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун катта имконият

Бугунги глобаллашув жараёни давлатлараро ва минтақалараро ҳамкорликнинг янги шакл ҳамда самарали усулларидан унумли фойдаланиш зарурлигини кўрсатмоқда. Бунда, айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари учун барқарор ривожланиш, жаҳон бозорларига чиқишнинг диверсификация қилинган йўлларини очиш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш долзарб аҳамиятга эга.

ТАШҚИ СИЁСАТ

Шу маънода айтганда, Хитой Халқ Республикасининг "Бир макон, бир йўл" ташаббуси минтақа давлатларининг узоқ муддатли иқтисодий манфаатларига қаратилгани билан муҳимдир.

Юртимиз азал-азалдан Буюк Ипак йўли чорраҳаси, жуда кўплаб савдо йўналишлари кесишган, маданиятлар алмашадиган маскан бўлган. Қадимий Хитой манбаларида Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган шаҳарлар сифатида қайд этилган. Шу боис ҳам Ўзбекистон Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин томонидан илгари сурилган "Буюк Ипак йўли иқтисодий йўналиши"ни ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлади. Бу "Бир макон, бир йўл" концепциясининг ажралмас қисмидир. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Пекин шаҳрида ўтган халқаро форумда ушбу лойиҳани янада такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш юзасидан мамлакатимиз позициясини маълум қилди.

(Давоми 3-бетда).

СУДЛАР «АДОЛАТ ҚЎРҒОНИ»ГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ишлаб чиқилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Асосий мақсад — фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришдан иборат.

Президентимиз раҳбарлигида шу йил 13 июнь куни суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳада ўз ечимини топмаган камчилик ва муаммолар атрофлича таҳлил қилиниб, муҳим амалий хулосалар чиқарилди.

Бу жиҳатлар 6 июль куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида мамлакатимиз судьяларининг Ўзбекистон халқига мурожаатини қабул қилишга бағишлаб ўтказилган йиғилишда ҳам ўз ифодасини топди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида суд ҳокимияти нуфузини ошириш, уни ўтмишдаги жазоловчи органдан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилувчи мустақил институтга айлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва кўрилган амалий тадбирлар мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди, суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамиятини тубдан оширди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида суд ҳокимиятининг том маънода мустақиллигини таъминлаш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ушбу соҳадаги ислоҳотларнинг энг асосий йўналишлари этиб белгиланди.

(Давоми 2-бетда).

СУДЛАР «АДОЛАТ ҚЎРҒОНИ»ГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда Судьялар олий кенгаши аъзолари, Олий суд судьялари, ҳудудлардаги судлар раислари, судьялари ва ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ўринбосарлари — хотин-қизлар қўмитаси раислари, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" фонди ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг республика бошқаруви ва ҳудудий раҳбарлари, пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, Тошкент давлат юридик университети талабалари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон суд тизими фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раиси У. Мингбоев, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К. Комилов, Судьялар олий кенгаши раиси М. Усмонов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида одил судлов соҳасидаги замонавий талаблар ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз суд тизимини такомиллаштириш ва мақбуллаштириш борасида тарихий ўзгаришлар амалга оширилаётганидан кўзланган мақсад — жамиятимизда адолат, ҳақиқат ва қонун устуворлигини тўла таъминлаш, халқимизни ҳаётдан рози қилишга эришиш эканини таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Ушбу Фармонга мувофиқ, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди. Судларнинг жиноят ишларини қўшимча терговга қайтаришдек одил судловнинг мазмун-моҳиятига мутлақо тўғри келмайдиган амалиётига чек қўйилди.

Судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимга тайинлаш тартиби тубдан такомиллаштирилиб, судьялар ҳамжамиятининг янги органи — Судьялар олий кенгаши таъсис этилди. Судлар тизимининг амалдаги тузилмаси ва штат бирлиги қайта кўриб чиқилиб, судьяларнинг хизмат вазифаларини оқилона тақсимлаш имконини берадиган даражада, ҳозирги замон талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилди ва мақбуллаштирилди.

Кейинги пайтда Президентимизнинг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонасига бўлаётган мурожаатларнинг сезиларли қисми айнан суд идоралари ва судьялар фаолияти билан боғлиқ экани бу йўналишда кўплаб муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Бу борада Олий судга кунига ўртача 250 дан ортиқ мурожаат келиб тушмоқда. Тадбирда ушбу мурожаатларни ҳал этишда вилоят, туман судлари сусткашлиққа йўл қўяётгани, айрим туман судлари мурожаатларни ҳатто очиб кўрмаётгани қаттиқ танқид қилинди. Вилоят судлари раислари ҳафтада камида уч кун туманларга, жойларга чиқиб, судларнинг иш юритувини ўрганиши шарт экани, бундай ўрганишлар ҳар бир судларда ўтказилиши таъкидланди.

— Ҳозирги шиддатли давр талаби ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш учун кўпроқ халқ билан юзма-юз ва очиқ мулоқот қилишимизни тақозо этмоқда, — дейди жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг раиси Бахтиёр Исломов. — Президентимиз билан бўлиб ўтган учрашувдан сўнг бирмунча ишлар қилинганига қарамай, ҳали тўлақонли одил судловга эришганмиз, деб айтолмаймиз, буни фуқароларимиз ҳам ҳис қилиб турибди. Бугунги йиғилишда фаолиятимизни яна бир бор танқидий таҳлил қилганимиз суднинг том маънода "Адолат қўрғони"га айланиши йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Судда ишларни судьялик бурчимиз буюрганидек беғараз, холис ва адолатли ҳолда кўрамиз, энг асосийси — қабул қилган ҳар бир қароримиз қонуний, асосли, одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига таянган бўлиши учун барча масъулиятни ўз зиммамизга оламиз.

Тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 13 июнда ўтказган видеоселектор йиғилишида мамлакатимиз суд тизимидаги мавжуд нуқсонлар ва уларнинг ечимини муҳокама қилиб, бу борада аниқ вазифаларни белгилаб бергани суд тизимида ишлаётган ҳар бир раҳбар ва ходимдан соҳа ривожига танқидий ёндашишни тақозо этиши, адолат ва қонун устуворлиги судьялар ишида бирон-бир нарса билан ўлчаб бўлмайдиган энг муҳим мезон экани таъкидланди. Мазкур устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳудудда ўтказилган судлар фаолиятининг танқидий муҳокамаси, бу борадаги хулосалар, суд тизимида мавжуд бўлган нуқсонларни тўлиқ бартараф этиш юзасидан белгиланган аниқ режа ва дастурлар ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари ҳақида Олий суд ва Судьялар олий кенгаши раисларининг ахбороти, вилоят судлари раисларининг ҳисоботлари эшитилди. Соҳадаги мавжуд аҳвол, муаммолар сабаблари ва уларнинг ечими танқидий таҳлил қилинди.

Бу борада Олий суд раёсатининг шу йил 24 июндаги қарори билан тасдиқланган комплекс чора-тадбирлар режаси амалиётга жорий этилмоқда. Мазкур қарор билан суд тизимида зудлик билан амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар бўйича «йўл харитаси» тасдиқланди. Унинг ижросига масъул бўлган Олий суд ишчи гуруҳлари тузилди. Мазкур дастурларнинг ижроси қатъий назоратга олинди.

Судларда узоқ муддатлардан буён якуний ечимини топмай келаётган ишлар рўйхати тузилди, уларни ҳал қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Судларда ишларнинг камида 30 фоизи сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида Олий суд раёсатининг "Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича услубий тавсияларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди, услубий тавсиялар ва сайёр суд мажлислари ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлган ишлар рўйхати тасдиқланиб, барча судларга юборилди.

Олий суд ва вилоят судлари томонидан қуйи судлар иш юритувидаги мураккаб тоифадаги жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишларни олиб биринчи инстанцияда кўриб чиқиш амалиёти жорий этилди. Иқтисодий судлар самарали қўллаб келаётган ишларни видеоконференцалоқа тизими орқали кўриб чиқиш амалиёти фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ҳамда маъмурий судларга ҳам татбиқ этилмоқда.

Соҳадаги энг долзарб масала — фуқароларнинг судма-суд сарсон-саргардон юришининг олдини олиш, бу борадаги муаммоларни бартараф этишдан иборат. 2016 йилда Олий судда кўриб чиқилган 446 фуқаролик ишининг 390 таси (87 фоизи) яна қайта кўриб чиқиш учун қуйи босқичларга юборилган. Атиги 13 фоизи бўйича Олий судда якуний қарор қабул қилинган. Жорий йил июнь ойининг ўзида Олий судда 24 фуқаролик ишига якуний нуқта қўйилди, жиноят ишлари бўйича киритилган протестларни кўриш натижасида, ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмагани учун 7 шахс оқланди, 4 нафари жазодан озод этилди, 2 нафарига нисбатан жиноят иши тугатилди, 17 шахсга нисбатан тайинланган жазо муддатлари камайтирилди.

Йиғилишда бу борада, аввалambor, янги таркибдаги Олий суд қатъият кўрсатиши лозимлиги таъкидланди. Қонуний ва адолатли қарор ҳеч қачон бекор бўлмаслиги қайд этилди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугунги кунда халқимиз кутаётган адолатли қарорлар қабул қилишга ҳар томонлама қодир, иродаси мустаҳкам, юксак касб ва маънавий фазилатларга эга бўлган суд ходимлари таркибини шакллантириш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев суд органлари ходимлари билан бўлган учрашувда ҳаётимизда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, одил судловни рўёбга чиқаришда тўсиқ бўлаётган муаммоларни, соҳада йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича белгилаб берган аниқ топшириқ ва вазифаларни мамлакатимизнинг судьялар ҳамжамияти атрофлича муҳокама қилди. Ўрганиш натижасида Ўзбекистон судьялари номидан бутун халқимизга мурожаат қилишга қарор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси К. Комилов мамлакатимиз судьяларининг Ўзбекистон халқига мурожаатини ўқиб эшиттирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси судьяларининг Ўзбекистон халқига мурожаати ҳар бир судья иш фаолияти мобайнида оғишмасдан амал қиладиган қатъий мезон бўлиб қолиши таъкидланди. Ушбу Мурожаатнома юртимиздаги ҳар бир суд биносига киришда, кўзга яққол кўринадиган жойда ўрнатилади. Шу ернинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан муҳрланган қутилар ўрнатилади.

Суд биносига кираётган ҳар бир юртдошимиз Мурожаатнома билан яқиндан танишиб, адолатли суд қандай бўлиши кераклиги ҳақида аниқ тушунча ва тасаввурга эга бўлади. Бинодан чиқаётганда ҳар бир фуқаро судьяларнинг фаолиятига, уларнинг Мурожаатномада зиммасига олган мажбурият ва масъулиятни қандай бажараётганига муносабат билдириш ва ўз муносабатини ёзма равишда қутиларда қолдириши учун имконият яратилади.

Қутилар ҳар ойда бир марта Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати ва Судьялар олий кенгаши вакиллари иштирокида очилади ҳамда фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари ҳар томонлама ўрганилади. Жойларда ҳар бир судьянинг ишига ана шу таҳлил асосида баҳо берилади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О. Муродов иштирок этди.

Умид ЁҚУБОВ,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига асосан, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди, судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтаришдек одил судловнинг мазмун-моҳиятига мутлақо тўғри келмайдиган амалиётга чек қўйилди.

Судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимга тайинлаш тартиби тубдан такомиллаштирилиб, судьялар ҳамжамиятининг янги органи — Судьялар олий кенгаши таъсис этилди.

Судлар тизимининг амалдаги тузилмаси ва штат бирлиги қайта кўриб чиқилиб, судьяларнинг хизмат вазифаларини оқилона тақсимлаш имконини берадиган даражада, ҳозирги замон талабларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилди ва мақбуллаштирилди.

Бу ислоҳотларнинг самарали амалга оширилиши суд тизимида фаолият кўрсатаётган барча раҳбар ва масъул ходимларнинг ўз хизмат бурчини садоқат билан, адолатли ва масъулиятли бажаришига чамбарчас боғлиқдир.

Жорий йилнинг 13 июнь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган тарихий учрашувда муҳтарам Юртбошимиз томонидан аниқ кўрсатиб ўтилган суд тизимидаги жиддий муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда олдимизга қўйилган вазифаларни тўғри ҳал этиш учун ҳар биримиз ишга бўлган муносабатимизни тубдан қайта кўриб чиқишимиз, шахсий масъулиятимизни кескин оширишимиз зарур.

Шу муносабат билан, Ҳаракатлар стратегияси ижросини самарали таъминлашда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг ўта муҳим аҳамиятини ва долзарблигини тўлиқ англаган ҳолда, биз — Ўзбекистон Республикаси судьялари:

Биринчидан, кундалик фаолиятимизда халқ билан бевосита юзма-юз, очиқ мулоқот шаклларини кенгайтирамиз, фуқароларнинг муаммоларини ҳал этишда яқиндан ёрдам бериш орқали уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаймиз ва ҳақиқатни қарор топтирамиз.

Иккинчидан, фаолиятимизни яна бир бор қайтадан танқидий таҳлил қилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоясини таъминлаймиз, одил судловни амалга оширишдаги ғов-тўсиқларни таг-томири билан бартараф этамиз, судни том маънода **"Адолат қўрғони"**га айлантиришда бор билим ва тажрибамизни сафарбар этамиз. Судга борган ҳар бир фуқаро фақат адолат топишига кафолат берамиз.

Учинчидан, судда ишларни судьялик бурчимиз ва виждонимиз буюрганидек беғараз, холис ва адолатли ҳолда кўрамиз, энг асосийси, қабул қилган ҳар бир қароримиз қонуний, асосли, одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига таянган бўлиши учун барча масъулиятни ўз зиммамизга оламиз.

Ҳар бир инсоннинг тақдирини ҳал этишда **онгимизда — адолат, тилимизда — ҳақиқат, дилимизда эса поклик** устувор бўлади.

Тўртинчидан, Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган барча ислоҳотларни амалга оширишга барчамиз жиддий масъулият ва ташаббускорлик билан ёндашамиз, энг асосийси, мамлакат тақдирига дахлдорлик ҳиссини кучайтирамиз.

Бешинчидан, ҳар қандай ҳолатда одил судловни таъминлаш ва адолатни қарор топтиришга қодир, мустаҳкам иродали, ҳалол, юксак маънавий ва касбий фазилатларга эга судьялар таркибини шакллантирамиз. Бунга барчамиз бирдек масъулмиз.

Олтинчидан, судьялик — бу машаққатли, шу билан бирга, шарафли касб ва юксак мақом эканлигини чуқур англаган ҳолда, судьялик шаънига доғ тушираднган ҳар бир ғайриқонуний хатти-ҳаракатга **"фавқулодда ҳолат"** сифатида қараймиз, адолатга хиёнат қилган ходимларга нисбатан муросасиз курашамиз ва сафларимиз софлигини таъминлаймиз.

Еттинчидан, судьялар касбий тайёргарлигини ошириш, судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали иш юритиш тартибини соддалаштирамиз ва фуқаролар оворагарчилигининг олдини олиш борасида кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўрамиз.

Саккизинчидан, суд амалиётини доимий таҳлил қилиб бориш асосида тизимли қонунбузилишларни аниқлаймиз ҳамда ушбу соҳадаги камчиликларни қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш йўли билан бартараф этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларни амалга оширамиз.

Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик кундалик қоидамиз, фаолиятимизнинг асосий мезони бўлади.

Зиммамизга юклатилган масъулиятли вазифаларни сидқидилдан, ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, халқимиз ва Президентимиз олдида берган қасамёдимизга ҳамиша содиқ қолишга ваъда берамиз!

Ўзбекистон Республикаси судьялари

Тошкент шаҳри,
2017 йил 6 июль

АВТОМОБИЛЬ САНОАТИ РИВОЖИДА МУҲИМ ВОҚЕА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Зеро, жаҳонга машҳур автомобиль ишлаб чиқарувчиларидан бири — "Peugeot Citroen Automotive" гуруҳи билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ушбу йирик лойиҳа ҳам Ўзбекистон автомобиль саноати истиқболига хорижлик ишбилармонларнинг ишончи юксак эканининг яна бир амалий тасдиғидир.

— Қўшма корхона барпо этилишини Ўзбекистон Республикаси Президенти қўллаб-қувватлаётганидан чексиз миннатдормиз, — дейди "Peugeot Citroen Automotive" гуруҳи вице-президенти Кристоф Бержеран. — Ушбу лойиҳа нафақат ҳудуд, балки Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳам равнақига хизмат қилишига ишонамиз.

Завод қурилиши учун "Жиззах" эркин иқтисодий зонасида 45 гектар ер майдони ажратилди. Президентимиз қарори билан лойиҳа иштирокчилари учун бир қатор солиқ ҳамда божхона имтиёзлари, преференциялар тақдим этилган.

Икки томонлама келишувга биноан, "Peugeot Citroen Automotive" гуруҳи янги технологиялар ва замонавий ишлаб чиқариш жараёнларини жорий этади ҳамда ходимлар малакасини оширади.

Корхонанинг қурилиш-монтаж ишларини 2018 йил 1 майга қадар якунлаш режалаштирилмоқда. 2019 йилдан эса бу ерда янги русумдаги машиналар ишлаб чиқаришга киришилади. Завод йилига 16 минг дона замонавий автомобиль тайёрлаш қувватига эга бўлади. Маҳсулот ички бозордан ташқари, экспорт ҳам қилинади.

Шунингдек, заводда ишлаб чиқаришни бошқариш, маҳсулот сифати, етказиб бериш ва савдо масалалари замонавий тизим асосида олиб борилади. Энг муҳими, бу ерда дастлабки йилдаёқ автомобиль эҳтиёт қисмлари етказиб беришга ихтисослаштирилган, "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси тизимидаги 30 га яқин йирик ва 160 дан ортиқ ўрта ҳамда кичик корхоналарни жалб қилиш эвазига 50 фоиз маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Энг муҳими, мамлакатимиз автомобиль саноати ривожида яна бир зарҳал саҳифа очаётган мазкур янги қўшма корхонанинг ишга туширилиши аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшади. Чунки бу ерда 600 дан зиёд иш ўринлари яратилади.

Айни пайтда завод қурилаётган майдонда иш бошлаб юборилди. Анъанага кўра, тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, хорижлик меҳмонлар, қурувчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида заводнинг асосий иншооти пойдеворига келажакка битилган мактуб солинган капсула жойлаштирилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов, Жиззах вилояти ҳокими У. Узоқов сўзга чиқди.

Толибжон ЭРГАШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

СЎЗ — ФРАКЦИЯЛАР АЪЗОЛАРИГА

Юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позициясига эга ёшлар — юрт таянчи. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг жорий йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ҳамда янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Қатъий ҳаётий позициясига эга ёшлар — юрт таянчи

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари аъзолари томонидан жойларда аҳоли билан ўтказилган мулоқотларда, ёшлар билан учрашувларда ушбу тарихий ҳужжатда белгиланган вазифалар ёшлар тақдирида, уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлашда муҳим ўрин тутиши эътироф этилмоқда. Мухбиримиз фракциялар аъзоларининг фикрлари билан қизикди.

Клара ЖУМАМУРАТОВА,
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Мазкур фармонни мамлакатимизда яшаётган ҳар бир йигит-қиз ўз келажагининг дастуриламали сифатида қабул қилди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Зеро, ушбу ҳужжат уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, касбга йўналтириш, бандлигини таъминлаш, иқтидор ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилгани билан алоҳида эътиборга молик. Айни пайтда мазкур фармондан келиб чиқиб, соҳада олиб борилаётган ишлар кўламини кенгайтириш, айниқса, уюшмаган ёшлар билан самарали ишлаш тизимини шакллантириш мақсадида устувор вазифаларни белгилаб олдик. Айтиш жоизки, ўтган вақт мобайнида партиянинг "Ёшлар қаноти" томонидан баркамол авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида комплекс чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди. Албатта, бу борадаги фаолиятимизни қониқарли, деб бўлмайди. Шунингдек, бугунги кунда сиёсий партиялар олдига қўйилаётган талаблардан келиб чиқиб, жойларда замонавий тарғибот тадбирларини ташкил этиш, аҳоли билан мулоқот қилишнинг самарали усулларидан фойдаланиш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш механизмини ишлаб чиқсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Жолдасбай АБДИЖАМИЛОВ,
Ўзбекистон "Миллий тиклаиш" демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Дарҳақиқат, ушбу Фармон навқирон авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш баробарида, соҳада олиб борилаётган ишлар кўламини кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Унда ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ҳамда ривожлантириш, турли мафкуравий таҳдидлардан асраш каби бир қатор устувор вазифалар белгиланган. Бу каби ишлар халқимиз тарихи ҳамда маънавий-маданий меросининг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига замин яратади. Ўз навбатида, биз, депутатлар жойларда аҳоли ҳамда ёшлар билан мулоқотларда уларга мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини кенг тушунтирамиз.

Аваз ЎРИНБОЕВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Ҳудудларда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари натижасида қишлоқ аҳоли пунктларида ҳам замонавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Бу, айтиш жоизки, аҳоли турмуш фаровонлиги янада яхшиланишини таъминлаётир. Президентимизнинг ушбу Фармонида ёш оилалар, хусусан, имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож йигит-қизларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратишга қаратилган мақсадли ишларни ташкил этиш белгилаб берилди. Албатта, бу — эзгу саъй-ҳаракат. Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг бир қисми ҳисобидан аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламлари учун ижтимоий уй-жой фондини ташкил қилишнинг аниқ тизимларини яратиш, ногиронларнинг ижтимоий инфратузилмалар, шу жумладан, тураржой ва жамоат бинолари, транспорт коммуникацияларидан бемалол фойдаланишлари учун шароитларни яхшилаш, қолаверса, аҳоли пунктлари, бино ва иншоотларни ногиронлар учун мослаштирган ҳолда лойиҳалаштириш партиямиз сайловолди дастурида ҳам акс этган. Ушбу вазифаларни ҳал қилишда эришилган натижалар ва олиб борилаётган ишлар аҳоли ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламининг уй-жой шароитлари, ижтимоий инфратузилма билан таъминланганлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Улуғбек САМАТОВ,
Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоси:

— Дунёнинг турли минтақаларида зиддиятлар, беқарорлик кучайган, ихтилофлар давом этаётган бир шароитда мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим олиши, спорт билан шуғулланиши, келажакда комил инсонлар бўлиб воя-га етиши учун барча ташкилий, ҳуқуқий шарт-шароит яратилган. Давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони ушбу жараёнларни янги босқичга олиб чиқади. Бинобарин, унда мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этадиган, халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган билимли, ташаббускор, ишбилармон, ҳалол ва фидойи ёш раҳбар кадрларни тарбиялаш, захирасини яратиш ва уларнинг давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари масъул лавозимларига тавсия этилиши белгиланди. Бу эса юртимизнинг янада равнақ топишида муҳим аҳамиятга эга. Чунки эртанги кунимиз, порлоқ келажагимиз иродали, қатъиятли, юксак билимли ёшлар шижоатига бевосита боғлиқ.

Зиёда АШУРОВА
ёзиб олди.

«Темурбеклар мактаби»

ёшларимизни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда турли соҳа ва тармоқларда юксак натижа ҳамда ютуқларга эришаётган йигитларни тақдирлаш мақсадида "Мард ўғлон" давлат мукофоти, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, ўқиш, меҳнат ва жамоат ишларида ҳар томонлама фаол қатнашаётган йигит-қизларни тақдирлаш мақсадида "Келажак бунёдкори" медали таъсис этилиши ҳам навқирон фарзандларимизга бўлган эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Айниқса, республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига "Темурбеклар мактаби" номи берилганидан, аввало, оддий бир фуқаро, қолаверса, бир ижодкор сифатида жуда қувондим. Негаки, бу дунёда касб кўп, ҳунар кўп. Айтишларича, уларнинг сони икки мингдан ошаркан. Йигит кишига энг ярашадигани, муносиби қайси? Бу саволга тўрт минг йил муқаддам ҳозирги Навоий вилоятидаги Сармишсой қояларига туширилган суратлардан жавоб топишимиз мумкин. Бизгача аниқ-тиниқ етиб келган минглаб петроглифлар орасида даранинг шундоққина кираверишидаги харсангга солинган, қўлида найза тутиб, шижоат, қатъият билан турган сарбоз сурати яққол ажралиб кўринади. Ушбу суратга мактабдаги тарих китобларида кўзингиз кўп тушган. Юқоридаги саволга мозийнинг синовлардан ўтган жавоби шу: йигит кишига энг ярашиқли касб-кор — Ватан ҳимояси, ҳарб ишидир! Қадим битиклардан келган йитмас ҳикматларда ҳам туғилган ерини асролмаган кимса ўз оиласини, ўз жонини, ўз келажагини сақлолмаслиги уқтирилади! Айни ҳақиқат халқимизнинг асрлар оша безавол яшаб келаётган мерганлик, кураш, кўпкари каби ўйинларига ҳам сингиб кетган. Зеро, ёвқур боболар келажак наслларни мард ва олижаноб, ўз юртини, ор-номусини ҳимоялашга қодир авлод сифатида тарбиялашни бош мақсад, деб билган.

Кўп мингйиллик тажрибалар жам бўлган халқ ўйинларидаги жисмоний чиниқиш машқларини такомиллаштириб, услубий-илмий-тактик тизимга солиб берган буюк саркарда Амир Темур бобомиз қошида етти иқлим бош эгган. Жаҳоннинг манаман деган ҳарбий академиялари XXI аср тараққийсида туриб Темур бобомизнинг жанг санъатини дарслик сифатида жиддий ўрганаётгани бежиз эмас. Биз аждодимизнинг муносиб ворислари улуғ соҳибқирон жорий этган, дунёга дастурилмал бўлган тузуклардан кўпроқ ва хўброқ фойдаланишга ҳақлимиз ва бурчлимиз. Зеро, Амир Темур салтанатининг асоси бўлган "Куч — адолатда!" тамойили бугун ҳам бизни юксак ғалабаларга чорлаб турибди.

Ёшларимиз, умуман, халқимизнинг ҳаётида муҳим ўзгаришларга сабаб бўлган қурултойда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг маърузаси мамлакатимиз тараққиётининг навбатдаги тамал тошини қўйди: кўпгина ҳаётбахш таклиф ва тавсиялар қаторида бошланғич ҳарбий таълим муассасаларини "Темурбеклар мактаби" деб номлаш борасидаги мулоҳаза катта қувонч билан кутиб олинди. Чунки бу масканларга улуғ ном билан қутлуғ шаён қайтди. "Темурбеклар мактаби"да буюк халқим, азиз Ватаним деган чинакам мард ўғлонлар камол топади.

— Тарихдан маълумки, Амир Темур ўз ўғилларига, набираларига танлаб-танлаб, ҳар томонлама чуқур ўйлаб исм қўйган, — дейди Яшнобод туманидаги "Темурбеклар мактаби" директори ўринбосари, подполковник Қамбарали Азизов. — Исм — қисматдир, деган гап азалдан халқимиз орасида машҳур. Шу маънода бизга жуда катта шараф ва мажбурият юкланди. "Темурбеклар мактаби" устозларию тингловчилари бошқалардан бир қадам олдинда юришга, бу билан Олий Бош Қўмондонимиз — Президентимиз ишончини оқлашга масъулмиз. Худди шундай фикрлар мамлакатимиздаги бошқа ҳарбий таълим муассасалари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг минтақавий бўлинмалари фаолларининг жойлардаги халқ билан мулоқотларида ҳам қайта-қайта таъкидланаяпти. Каттаю кичикнинг азму қарори битта: Темурбекка хос шижоат билан туну кун раият фароғати йўлида хизмат қилаётган Йўлбошчига сидқидилдан эргашамиз!

Бинобарин, жўшқин ва изчил ислоҳотларнинг туб моҳиятида юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги, одамларнинг розилиги мужассамдир.

Иқбол МИРЗААЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси.

ТАДБИР

Сирдарё вилоятида "Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!" шиори остида тарғибот тадбирлари бўлиб ўтди.

Ватанга дахлдорлик туйғуси

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Мудофаа вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, "Ўзбекконцерт", Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда ёзувчи ҳамда шоирлар, олимлар, ҳарбийлар, таниқли актёрлар ва "Ниҳол" мукофоти совриндорларидан иборат тарғиботчилар гуруҳи жойларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, оддий одамлар ҳаётида юз бераётган ижобий ўзгаришлар хусусида аҳоли билан бевосита мулоқот қилишди.

Иштирокчиларга Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг яқинда чоп этилган "Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз" китобида илгари сурилган ғоялар содда ҳамда самимий усулда, ҳаётий мисоллар асосида етказилди. Шу билан бирга, ёшларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, юксак фазилатларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг онги ҳамда қалбини турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, ғоявий иммунитет ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Туманимизда бўлиб ўтган тадбирларда навқирон авлод вакиллари фаол иштирок этди, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сирдарё тумани кенгаши етакчи мутахассиси Наргиза Назарова. — Тарғибот ишлари самарали усуллар ҳамда воситалар асосида ташкил қилингани барчага манзур бўлди. Хусусан, уюштирилган фотокўргазмаларга қўйилган суратларда мустақиллик йилларида эришган мислсиз ютуқларимиз, улуғвор ўзгаришлар, фаровон ҳаётимиз акс эттирилган. Албатта, бу уларнинг дилларидаги шу азиз ва муқаддас Ватанимизга содиқлик, меҳр-муҳаббат туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

"Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!" тарғибот тадбирларининг якуний қисми Гулистон шаҳридаги марказий ўйингоҳда бўлиб ўтди.

Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими Ғ. Мирзаев сўзга чиқди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Хитойнинг Шаньси музофоти Датун шаҳрида йирик қуёш электростанцияси барпо этилди.

Ноёб кўринишдаги иншоот

"Panda Green Energy" компанияси томонидан қурилган ушбу иншоотнинг кўриниши панда шаклида бўлиб, ҳозир унинг қуввати 50 мегаваттга тенг. Кейинроқ бу кўрсаткич 100 мегаваттга етказилади. Шу тариқа у тўлиқ ишга тушгач, соатига 3,2 миллиард киловатт энергия ишлаб чиқаради.

Келгусида мазкур электростанция яқинида ёшлар таълим марказини бунёд қилиш режалаштирилган. Бу орқали қуёш энергиясининг бошқа муқобилларидан афзалликлари ҳақида тушунчалар бериб бориш кўзда тутилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу электростанция 25 йил давомида 1056 миллион тонна кўмирни ёқиш натижасида олинадиган энергияни ишлаб чиқариши мумкин.

Тошқин келтирган талафот

Япония жанубида сурункали ёққан ёмғир туфайли тошқинлар келиб чиқди.

Бунинг оқибатида камида 15 киши бедарак йўқолган. Табиат инжиқлигидан, айниқса, Кюсю оролида вазият мураккаблашган. Ушбу маъмурий ҳудуддаги йўллар, инфратузилма объектлари, аҳоли тураржой биноларига жиддий зарар етди. Кўчкилар юз бериши ҳамда дарёлар ўзанидан тошиши хавфи юқорилиги боис Фукуока ва Оита префектураларида яшовчи қарийб 400 минг нафар аҳоли эвакуация қилиниши тўғрисида огоҳлантирилди.

Табиий офат талафотларини бартараф этишга 7,5 минг нафар ҳарбий ҳамда қутқарувчилар, 40 та вертолёт жалб қилинган.

Жаримага тортилди

Европа комиссияси интернетдаги энг йирик қидирув тармоғи ҳисобланган "Google" корпорациясини 2,4 миллиард евро миқдорида жаримага тортди.



Бунга мазкур тармоқнинг ўз манфаати йўлида қонунга хилоф иш тутаётгани сабаб бўлди.

Жорий йил март ойида Чикаго (АҚШ) федерал суди ҳам ушбу тармоқнинг шахс дахлсизлигига оид қонунчиликни бузаётганини аниқлаган эди. Ўшанда "Google"нинг миллионлаб фойдаланувчилар ҳаётига тегишли маълумотлардан ҳеч қандай розиликсиз фойдаланганлиги маълум қилинганди. Суд мазкур ҳолат Иллинойс штати қонунчилигига зидлигини кўрсатиб, тармоқ келгусида фойдаланувчи рухсатисиз ишлатган ҳар бир шахсий маълумот учун беш минг АҚШ долларигача жарима тўлаши тўғрисида қарор чиқарганди.

Сабаби ўрганилмоқда

Германиянинг Гамбург шаҳридаги "Порше" автосалонида келиб чиққан ёнғин оқибатида маъмурият бир неча юз минг евро миқдорида зарар кўрди.

Гап шундаки, "тилсиз ёв" бу ердаги ўндан ортиқ қимматбаҳо машиналарнинг кулини кўкка совурган. Дастлабки тахминларга кўра, иншоотга қасддан ўт қўйилган. Ҳуқуқ-тартибот идоралари тергов-суриштирув ишларини олиб бормоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбек шарқшунослари халқаро конгрессда иштирок этди

Жорий йилнинг 21 — 23 июнь кунлари Россия Федерациясидаги Санкт-Петербург давлат университетининг Шарқ факультетида "Осиё ва Африка мамлакатлари манбашунослиги ва тарихшунослиги. Осиё ва Африка: мерос ва замонавийлик" мавзуида XXIX Халқаро конгресс бўлиб ўтди. Унда 15 га яқин давлатлардан шарқшуносликнинг турли соҳаларида фаолият олиб борувчи 450 дан ортиқ мутахассислар қатнашди. Жумладан, биз ҳам мазкур йирик илмий анжуманда иштирок этдик.

ТААССУРОТ

Уч кун давом этган конференция йиғилишлари шарқшуносликдаги янги илмий ахборотлар, қизиқарли ва фойдали баҳс-мунозаралар, маърузаларга бой бўлди. Фаол иштирокчилар қаторида Ўзбекистон шарқшунослари делегацияси ҳам ташкилий қўмита томонидан алоҳида эътироф этилди. Анжуман мобайнида биз қатнашчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан яқинда имзоланган "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳақида гапириб бердик. Хорижлик мутахассислар мазкур ҳужжатда белгиланган вазифаларга юксак баҳо бериб, унинг ижросида бу каби илмий анжуманлар ва адабий, илмий келишувлар катта аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Шунингдек, илмий сафар давомида Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институти фондида сақланаётган араб, форс ва туркий тиллардаги айрим қўлёзма манбалар билан ҳам танишдик. Бажараётган диссертация ишимизга оидларидан нусхалар олдик. Улар орасида Абу Наср Форобий, Замахшарий, Абу Али ибн Сино, Фарғоний, Хоразмий, Бухорий, Термизий каби машҳур алломаларимиз асарларининг қўлёзмалари мавжудлиги алоҳида эътиборимизни тортди. Мазкур қўлёзмалар билан таниша туриб, улардан фотонусхалар олиб келиб, Ўзбекистонда ва дунёнинг бошқа фондларида сақланаётганлари билан қиёслаб ўрганиш, бой маънавий, илмий меросимизни халқимизга тўла-тўкис етказиш вақти келганлигини теранроқ англадик. Шарқ факультети профессори М. Суворов билан қўлёзмаларни ўрганиш борасидаги тадқиқотлар ҳақида суҳбатлашганимизда, у ҳозир Санкт-Петербург шарқшунослик мактабида ёш олимлар орасида қадимий қўлёзмалар бўйича тадқиқот олиб бориш бир оз сустлашганини таъкидлади. Бу йўналишдаги ишларни жадал ривожлантириш учун ўзбек шарқшунослари билан илмий алоқаларни янада фаоллаштириш борасидаги таклифимизни ҳамкасбларимиз мамнуният билан қабул қилдилар ва айни йўналишда мақсадларимиз муштарак эканлигини қайд этдилар. Ўзаро музокаралар натижасида яқин кунларда Санкт-Петербург давлат университети Шарқ факультети ва Тошкент давлат шарқшунослик институти ўртасида илмий ҳамкорлик бўйича меморандум лойиҳаси ишлаб чиқилиб, амалга татбиқ этилиши ҳақида келишиб олинди.

Ҳулкар СУЛАЙМОНОВА,
Тошкент давлат шарқшунослик институти «Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти» кафедраси изланувчиси.

Қуёш қуввати ёрдамида суғорилади

Шофиркон туманидаги "Озода Меҳринисо" фермер хўжалиги муқобил энергия асосида ишловчи сув насосига эга бўлди.

ИЗЛАНИШ

— Мазкур қурилма Глобал экологик жамғарманинг қишлоқ хўжалигини барқарорлаштириш ва иқлим ўзгаришларини юмшатиш лойиҳаси доирасида ажратилди, — дейди фермер Фирдавс Турсунов. — Ҳудудимиздаги экин майдонларини суғоришда электр энергияси ёрдамида ишловчи насослардан фойдаланиларди. Бу эса маҳсулот таннархининг қимматлашишига олиб келарди. Қуёш батареяларидан қувватланадиган янги ускуна шу жиҳатдан бизга қулайдир.

Соатига 10 куб метр сув чиқариш имконига эга мазкур насос ишга туширилгач, фермер салкам бир гектар ерда боғ барпо этди. Эндиликда у экинларни томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш ҳаракатида.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Бир макон, бир йўл»:

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун катта имконият

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шубҳасиз, юртимиз Марказий Осиё минтақасида транспорт, энергетика, савдо, инвестициялар ҳамда юқори технологиялар соҳаларида йирик лойиҳалар амалга оширилишидан манфаатдор. Бинобарин, минтақа табиий, ишлаб чиқариш ва инсон ресурсларига бой ҳудуд саналади. "Бир макон, бир йўл" ташаббуси иштирокчи мамлакатларга ўз салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқариш, бир-бирининг иқтисодиётини тўлдириш, савдо ҳамда инвестицияларни рағбатлантиришга замин яратади.

"Буюк Ипак йўли иқтисодий йўналиши"нинг улкан молиявий-иқтисодий салоҳиятини инобатга олган ҳолда, ҳамкорликда аниқ, энг аввало, инфратузилмани ривожлантириш ва янги саноат қувватларини ташкил қилишга қаратилган лойиҳаларни рўёбга чиқаришга алоҳида урғу бериш лозим. Шу маънода айтганда, 2013 йили ташкил этилган "Жиззах" эркин иқтисодий зонаси имкониятларидан самарали фойдаланиш мамлакатимиз учун катта аҳамият касб этади. Ушбу ҳудудда хитойлик инвесторларга қулай шарт-шароит ва преференциялар яратилган. Бундай ҳамкорлик икки томонлама муносабатларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларга туртки беради. Шунингдек, учинчи мамлакатлар бозорига биргаликда чиқиш учун шароитлар яратади. "Жиззах" ЭИЗда тузилган "Пенгшенг" саноат парки юқори технологияли ишлаб чиқариш субъектларини яратишга мўлжалланган бўлиб, у ерда юқори қўшимча қийматли рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Мамлакатимизда иқтисодиётга илм-фанни интеграция қилиш, юқори инновацион технологияларни жалб этиш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, "Иқтисодий йўналиш" линияси бўйича интеграциялашган юқори технологиялар саноат паркларини ҳамда илмий-инновацион кластерларни қуриш, рақобатдош ва илм-фанга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган замонавий корхоналар ташкил қилиш учун эркин ва махсус иқтисодий зоналар тузиш устувор бўлиши лозим. Шу муносабат билан "Бир макон, бир йўл" ташаббуси, жумладан, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки молиявий имкониятларини жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Ўзбекистон Хитойнинг мазкур молия муассасасини ташкил қилиш бўйича ташаббусини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаган эди. Мамлакатимиз ушбу банк таъсисчиларидан бири ҳисобланади. Пекинда ўтган "Бир макон, бир йўл" халқаро форумида Хитой тарафи "Буюк Ипак йўли иқтисодий йўналиши" барпо этилиши иштирокчилари бўлган ривожланаётган мамлакатлар учун қўшимча равишда маблағ ажратилишини билдирди.

Ташқи бозорларда харидоргир, юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган минерал-хом ашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича замонавий саноат субъектларини ташкил этишга хорижий ҳамда маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароит яратиш, шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш мақсадида 2017 йил январь ойида Президентимизнинг "Ургут", "Гиждувон", "Қўқон" ва "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони қабул қилинди. Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида алоҳида солиқ, божхона ҳамда валюта тартиби амал қилади, яъни хорижлик, шу жумладан, хитойлик инвесторларнинг бизнесини ривожлантириши учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилган.

"Буюк Ипак йўли иқтисодий йўналиши" ташаббуси амалга оширилиши бизнес доиралари ўртасида ҳамкорликнинг аниқ лойиҳалари муҳокамаси бўйича тўғридан-тўғри мулоқотсиз бўлмайди. Бу мамлакатларимиз бизнес тузилмаларининг илгари сурилаётган ташаббуслар, лойиҳалардан хабардорлигини ошириш, амалий ҳамкорликни чуқурлаштириш учун ҳам зарур. Икки давлат ишбилармонларининг Ўзбекистонда ва Хитойда ўтказилаётган ярмаркалар, кўргазмалардаги иштирокини кенгайтириш лозим.

Бугун юртимиз ташқи дунё учун тобора очиқ бўлиб бормоқда. Бу саъй-ҳаракатлар нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунёда мамлакатимизнинг истиқболли ҳамда ишончли ҳамкор сифатидаги мавқеи юксалишига хизмат қилаяпти. Жумладан, Президентимизнинг Хитойга давлат ташрифи доирасида савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда 23 миллиард долларлик 115 та битим имзоланганги ҳам фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Қолаверса, Ўзбекистон дунёда сўнгги ўн йилдан ортиқ муддат давомида барқарор ўсиш суръатларига эришиб келаётган саноқли давлатлардан биридир. Жаҳон банки экспертларининг фикрича, 2017/2018 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръати 7,4 фоиз даражасида сақланиб қолади. Табиийки, молиявий-иқтисодий барқарорлик чет эл инвестициясини жалб этиш, ишбилармонлар ва илмий доиралар билан ҳамкорлик алоқаларини фаоллаштириш учун қулай шароитлар яратишга хизмат қилади. Шу маънода айтганда, "Бир макон, бир йўл" концепцияси барча манфаатдор тарафлар ўртасида мустаҳкам муносабатлар учун ҳамкорлик майдони вазифасини ўтайди.

Аббос БОБОХОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти етакчи илмий ходими.

ИФТИХОР

Бугун миллий маданиятимиз, илм-фан, адабиёт ва санъатимиз юксалишига улкан ҳисса қўшган маърифатпарвар аждодларимизнинг бой меросини ўрганиш, тарғиб этиш, унинг мазмун-моҳиятини ёш авлод онгу шуурига сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ватанимиз ҳудудларидаги бебаҳо маданий ёдгорликлар асл қиёфасини йўқотмаган ҳолда таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилаётир.

БЕБАҲО МАЪНАВИЙ ХАЗИНА

Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби алломаларнинг ўлмас асарлари жаҳон илм фани ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро сингари дунёга донг таратган буюк сиймолар инсониятга комиллик йўлини кўрсатди. Муҳаддислар Имом Бухорий, Имом Термизийнинг таълимотида акс этган комил инсон ғоялари, адолат ҳақидаги қарашлар жамиятни маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксалтиришга, мустаҳкамлашга хизмат қилди. Айниқса, Имом Бухорий, Имом Термизийдек етук муҳаддислар дунёда Қуръони каримдан кейинги энг мўътабар манба ҳисобланган ҳадис тўпламларини яратишда бениҳоя фидойилик кўрсатишди, ибрат бўлишди.

Маълумки, 2016-2017 йиллар Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашида Ўзбекистоннинг раислик даври ҳисобланади. Ўтган йилнинг 18 октябрида ушбу органнинг 43-сессиясида мазкур давр "Таълим ва маърифат — тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл" шиори остида ўтказилиши маълум қилинган эди. Ушбу йўналишдаги тадбирларнинг изчил давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қисқа, лекин сермазмун вақт ичида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Юртбошимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Бухоро ва Самарқанд вилоятларига ташрифлари давомида жойлардаги буюк алломаларнинг муқаддас қадамжоларини обод қилиш, уларнинг ҳаёти, бой илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш, кенг жамоатчиликка етказиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу билан бирга, асрлар давомида маънавий бойлигимизни ўзида мужассамлаштирган қўлёзма асарларни топиш, тадқиқ этиш ва нашрга тайёрлаш ҳозирги кунда долзарб масалалардан биридир. Бундай улкан мерос янги авлодларга катта илм манбаи ҳамда келажакдаги тадқиқотлар учун муҳим қўлланма сифатида хизмат қилади. Бинобарин, республикамиз қўлёзма фондларида 100 минглаб қўлёзмалар сақланмоқда. Шулардан бири — Имом Бухорий халқаро маркази манбалар хазинасидир.

Марказда илмий тадқиқот ишларини янада ривожлантириш мақсадида маънавий меросимиз дурдоналари бўлган қўлёзма ва тошбосма асарлар фонди ташкил этилган. Йиллар давомида Марказ хазинаси янги асарлар билан доимий бойитиб борилмоқда. Бу ишлар аҳолидан харид қилинган ноёб асарлар ҳамда республикамиз фуқаролари томонидан ҳадя тариқасида тақдим этилган китоблар ҳисобига амалга оширилаяпти. Тўпланган асарлар, асосан, уч йўналишга эга. Қулёзма, тошбосма ва замонавий нашрий китоблар. Қўлёзмалар мавзу жиҳатидан исломий илмларнинг деярли барча соҳасини қамраб олган. Мавжуд китоблар, асосан, XIV — XX асрнинг бошларида кўчирилган ҳамда нашр қилинган бўлиб, улар Қуръони каримнинг кўплаб нусхалари ва тафсирлари, ҳадис ҳамда ҳадисшунослик илмига оид манбалар, фиқҳ, калом, ислом тарихи ва фалсафаси, мантиқ, наҳв-сарф илмлари, назмий асарлар, қиссалар, ҳикматлар, балоғат илмига оид асарлар ҳисобланади. Айни пайтда ушбу қўлёзмалар хазинасини каталоглаштириш ишлари олиб борилаётир.

Президентимизнинг шу йил 24 майдаги "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Қарорга мувофиқ, институт фондларини сақлаш ҳамда аҳоли қўлида сақланаётган қўлёзма ва бошқа ёзма ёдгорликларни харид қилиш ҳисобидан бойитиш мақсадида ёзма ёдгорликларни тўплаш, баҳолаш, сотиб олиш билан шуғулланадиган эксперттлар гуруҳи ҳамда махсус комиссия тузилмоқда. Бу эса ноёб қўлёзма, қимматбаҳо тошбосма китобларни тўплаб, уларни таҳлил қилиш, ўрганиш, тарихимизга оид маълумотлар олиш ва жумбоқларни ечишда алоҳида ўрин тутади.

Айтиш жоизки, Марказ илмий ходимлари юртимиздан етишиб чиққан алломалар ҳаётини ҳамда уларнинг илмий-маънавий меросини, ноёб асарлар, қўлёзма ва тошбосма китобларни ўрганиш, тадқиқ этиш мақсадида республикамиздаги ҳамда хориждаги илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиб, илмий тадқиқот ишларини амалга ошириб келмоқда. Ўтган давр мобайнида Марказ илмий ходимлари томонидан 50 дан зиёд китоб, рисола ва монографиялар нашр этилди. Аждодларимиз маънавий мероси таржима қилиниб, халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун ўзбек тилида китоблар тайёрланаяпти. Асосий вазифаларимиздан бири, бу — мамлакатимизда фаолият олиб бораётган диний ходимларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашдан иборат. Малака ошириш ўқувлари бўлимида юртимиздаги масжидларда фаолият кўрсатаётган имом-хатибларнинг билим тажрибаси, касб малакасини юксалтириш ҳамда дунёвий фанларни ўқитиш бўйича ўқув-услубий ишлар ташкил этилаётир.

Буларнинг барчаси халқимиз, айниқса, ёш авлодни бобокалонларимиз, азиз-авлиёларнинг бебаҳо мероси билан чуқурроқ таништиришга қаратилганлиги туфайли янада аҳамиятли. Зеро, тарихга ҳурмат туйғуси, ўтмишни ўрганиш халқнинг ўзлигини англашдаги муҳим омилдир.

Шовосил ЗИЁДОВ,
Имом Бухорий халқаро маркази директори,
тарих фанлари номзоди.

ЧОРШАНБА — ЁНҒИНЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ КУНИ

«Тилсиз ёв»дан эҳтиёт бўлган яхши

Юртимиз бўйлаб ўтказилаётган ёнғинлар профилактикаси тадбирлари тобора кенг кўлам касб этмоқда. Хусусан, Навоий вилоятида ҳудудда июнь ойи мобайнида содир бўлган ёнғинларнинг сабаб ва оқибатлари атрофлича таҳлил қилинди.

Айни чоғда бундай нохуш ҳолатларнинг аксарияти фуқароларнинг олов билан эҳтиётсиз муносабатда бўлиши оқибатида юзага келганлиги таъкидланиб, уларнинг олдини олиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

— Шу асосда вилоятдаги 28 та корхона ҳамда 3847 та аҳоли хонадонида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши ўрганилди, — дейди вилоят ИИБ ЁХБ бошлиғи ўринбосари Фарҳод Пўлатов. — Таҳлиллар натижалари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона ва ташкилотлар ҳамда таълим муассасаларида муҳокама қилиниб, эҳтиётсизлик туфайли келиб чиққан ёнғин оқибатлари кўрсатилган видеороликлар намойиш этилди.

Таъкидлаш жоизки, айни кунларда аҳоли томонидан чорва қишлови учун сомон ғамланиб, аксарият ҳолларда, хавфсизлик чораларига риоя қилинмаяпти. Бундай эътиборсизлик хунук ҳолатларга олиб келиши мулоқотларда алоҳида қайд этилаётир. Хусусан, Қизилтепа туманининг Фурқат номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида шу тахлит содир бўлган ёнғин ва унинг оқибати кенг муҳокама қилинди.

"Ёнғинлар профилактикаси куни" тадбирлари вилоятнинг барча ҳудудида бўлиб ўтди.

Темур ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Балиқчилик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Президентимизнинг жорий йил 1 майдаги "Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида табиий ва сунъий сув ҳавзаларидан унумли фойдаланиш, балиқчиликка илмий асосланган технологияларни қўллаш каби кўплаб вазифалар белгилаб берилгани бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Илмий асосланган технологиялар

самарадорлиги билан эътиборни тортмоқда

Жумладан, ҳозирги кунгача Фарғона вилоятининг Марказий Фарғона, Каркидон ҳамда Қўрғонтепа сув омборларига 100 га яқин қафас мосламалари ўрнатилди.

— Балиқ етиштиришда ушбу усулнинг қулайлиги шундаки, у орқали сув ҳавзасининг исталган қисмида балиқ парваришлаш мумкин, — дейди Ёзёвон туманидаги балиқчилик хўжалиги мутахассиси Илҳом Йўлдошев. — Эни ва бўйи 6 метрли битта қафасда 4 тоннагача балиқ етиштириб, мўмай даромад олса бўлади. Айни пайтда хўжалигимизда 50 дан ортиқ ана шундай мосламалар мавжуд. Йил охиригача ушбу интенсив мосламалар сонини 2000 тага етказмоқчимиз.

"Бир соҳа ривожи бошқасига туртки бўлади", деганларидек, вилоятда балиқчиликнинг кенг қулоч ёйиши Қўқон механика заводида ҳам қўшимча имкониятларни ишга солиш учун асос яратди. Яъни бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар сони қафас мосламалари ҳисобига яна биттага кўпайди. Жамоа жорий йилда 2500 дан зиёд бундай мосламаларга буюртма олгани фикримиз тасдиғидир.

Ҳозирги кунда Фарғона вилоятидаги балиқчилик билан шуғулланувчи 252 та фермер хўжалиги тасарруфида 2254,7 гектар ер мавжуд. Улардаги сув ҳавзаларида сазан, оқ амур ва оқ дўнгпешона сингари харидоргир балиқлар парваришланаяпти. Яқиндан бошлаб эса Боғдод ҳамда Фурқат туманларида тажриба тариқасида Африка лаққа балиғини етиштириш йўлга қўйилди.

— Африка лаққасини вилоятимиз иқлим шароитига мослаштириш ва маҳсулот самарадорлигига эришиш борасидаги тажрибаларимиз изчил давом этмоқда, — дейди Боғдод туманидаги "Мубинахон Муфассалхон" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари М. Тешабоев. — Агар тажриба яхши натижа берса, фаолиятимизни янада кенгайтирамиз.

Умуман, бу йил Фарғона вилоятида 32 та янги лойиҳани амалга ошириш учун 304 гектар майдонда сунъий сув ҳавзаларини ташкил этиш ва пировардида 200 та янги иш ўрни яратиш, қолаверса, 613 тонна парҳез гўшт етиштириш устувор мақсад сифатида белгиланган. Буларнинг барчаси истиқболда соҳа янада равнақ топишидан далолат беради.

Элёржон ЭҲСОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон — ажойиб сайёҳлик йўналиши

Ўзбекистон дунё мамлакатлари сайёҳлари учун севимли туристик йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Испания оммавий ахборот воситалари кейинги пайтларда юртимизнинг сайёҳлик имкониятлари мавзуига тез-тез мурожаат қилиши айнан шундан далолат.

ЭЪТИРОФ

Масалан, Испаниянинг «Экстремадура» радиоканали Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган навбатдаги радиоэшиттиришини тингловчилар эътиборига ҳавола қилди.

«Барча йўллар» радиодастури туркумининг бошловчиси Кармен Эрнандес Ўзбекистонга сафар Буюк Ипак йўлининг юрагига саёҳат билан баробар эканлигини таъкидлаб, кўҳна Шарқнинг эртакмонанд шаҳар ва кўчалари бўйлаб сайр қилиш имкониятлари ҳақида атрофлича тўхталди. Шарҳловчининг изоҳ беришича, Ўзбекистон ҳудудидан ўтган трансконтинентал йўналиш бу ерда йирик савдо, маданий ҳамда илмий марказлар, Ипак йўлининг том маънодаги ганжиналари — Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларининг шаклланишига кўмаклашган. «Бу тарихий шаҳарлардаги яхши сақланган меъморий ёдгорликлар афсонавий Шарқ ихлосмандларини ҳайратга солишда давом этмоқда», деди у.

Замонавий Ўзбекистон ҳақидаги билим ва таассуротларини ўртоқлашар экан, испаниялик журналист мамлакатимизга «Марказий Осиёнинг юраги, минтақадаги барқарорлик ҳамда фаровонликнинг ўчоғи», дея таъриф берди. Алоҳида қайд этдики, Ўзбекистон аҳли ўзининг меҳмондўстлиги ва бетакрор миллий ошхонаси билан ажралиб туради. Бу омиллар эса хорижлик саёҳатчиларни оҳанрабодек тортмоқда.

Радиодастурда Испаниянинг EVANEOS халқаро сайёҳлик агентлиги ваколатхонаси маркетинг бўйича директори Габриэла Мединанинг туризм мутахассиси сифатидаги фикрлари ҳам тингловчиларни бефарқ қолдирмади. У Ўзбекистон бўйлаб саёҳатга чиқишни таклиф этар экан, мамлакатимизнинг бой тарихи, маданияти, меъморий ёдгорликлари ҳамда ноёб анъаналари ҳақида тўлқинланиб гапирди.

«Европада, жумладан, Испанияда кўпчилик мумтоз маданият муҳитига «шўнғиш»ни истайди. Шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистон бўйлаб саёҳат айни муддаодир. Ўзбеклар заминига бориб келган испанияликлар билан суҳбатлашсангиз, улар саёҳатдан унутилмас ва ижодий таассуротлар, ҳис-туйғуларга тўлиб-тошиб қайтганини билиб оласиз. Сабаби шундаки, Ўзбекистон нафақат Буюк Ипак йўлининг маданий ҳамда меъморий мероси ганжинаси, балки жуда меҳрибон, очиққўнгил, меҳмондўст халққа эга бўлган мамлакат ҳамдир. Ўзбеклар бағрикенгликнинг энг яхши анъаналари ҳамда маданиятини ўзида сақлаб қолган», дея таъкидлайди халқаро сайёҳлик агентлиги вакили.

Юқоридагилар билан бирга, радиотингловчилар мамлакатимизнинг Мадриддаги элчихонасида Ўзбекистонга виза олишнинг соддалаштирилган тартиби амалда эканлиги, юртимиз бўйлаб энг мақбул сайёҳлик йўналишлари, миллий ошхонамиз, халқ амалий санъати буюмларини харид қилиш имкониятлари ҳақидаги маълумотлар билан ҳам таништирилди.

Эшиттириш якунида эса «Ўзбекистон хорижлик саёҳатчиларни кутиб олиш учун барча қулайликка эга. Ишонтириб айтаманки, сизнинг мазкур мамлакатга сафарингиз кутилмаган, ажойиб таассуротларга бой бўлади», деди Габриэла Медина.

«Жаҳон» АА.
Мадрид

РЕКЛАМА

ТАДБИР

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида жойлашган Маънавият ва маърифат марказида ўзига хос тадбир уюштирилди. Гап шундаки, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларга ўз ҳиссасини қўшишни хоҳлаган, "Жаҳолатга қарши маърифат" шиори остидаги тадбирларда фаол иштирок этаётган бир гуруҳ нуроний отахону онахонлар "Набирамга бир китоб" акциясини ўтказиш ташаббуси билан чиқишди.

«Набирамга бир китоб»

Тадбир доирасида халқ ўйинлари, спорт мусобақалари ташкил қилинди. Энг катта майдонни китоб ярмаркаси эгаллади. Арзонлаштирилган ўн мингдан ортиқ бадиий ҳамда маърифий асарлар қўйилган расталар одамлар билан гавжум бўлди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига уларни қизиқтирган мавзулардаги китоблар улашилди.

— Акцияда қатнашиб, набирамга табиатга оид рангли-суратли китобдан икки дона олиб бердим, — дейди Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасининг Ўрта Чирчиқ тумани бўлинмаси раиси Зикриё Йўлдошев. — Ярмаркага келтирилган асарлар ранг-баранглиги, мавзу доирасининг кенглиги билан ажралиб турибди. Бу бебаҳо бойликдан фарзанд ва набираларимизнинг қанча кўп баҳраманд бўлишига интилсак, шунчалик эзгуликка кенг йўл очган бўламиз.

Вилоятда 300 мингга яқин нуронийлар яшайди. Тадбир жараёнида уларнинг ҳар бири мазкур акцияда фаол қатнашиш, йил давомида камида 2 нафар набирасига китоб совға қилиш ҳамда вилоят ҳудудидаги китоб дўконлари ва кутубхоналарга ёшларни жалб этишга кўмаклашишни ўзларига вазифа сифатида белгилаб олдилар.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Улуғбек Насриддинович Муҳаммадиевга отаси

Насриддин Мисриддинович МУҲАММАДИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745. 80 034 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2030-6766

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.16 Топширилди — 23.40 1 3 4 5 6